

“ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг  
2024 йил 28-июндаги  
88-сонли йигилиш баёнига  
2-илова

“ЎзРТХБ” АЖда биржа аъзоларининг трейдерларини  
тест синовидан ўтказиш  
**ТАРТИБИ**  
**(янги таҳрири)**

Биржа аъзоларининг трейдерларини тест синовидан ўтказишнинг мазкур Тартиби (кейинги ўринларда – Тартиб) Ўзбекистон Республикасининг “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисидаги” Конуни, ЎзРТХБда биржа савдоларини ўтказиш Қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Тартибда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Трейдер** – биржа савдоларида иштирок этадиган ва биржа аъзосининг номидан биржа битимларини тузиш ваколатига эга бўлган, биржа аъзосининг ходими;

**Биржа савдоларини ташкил этиш бошқармаси (Маклериат)** - “ЎзРТХБ” АЖнинг трейдерларни ҳисобини юритадиган таркибий бўлинмаси;

**ДТ** – трейдерларни синовдан ўтказиш бўйича дастурий таъминот.

## II. Синовларни ўтказиш тартиби ва шартлари

2. Тест синовлари биржанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри филиалларида тест синовини ўтказишга мослаштирилган ҳамда махсус камералар ўрнатилган хоналарда Маклериат томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади. Тест синовлари жараёнини ташкил этиш ва бевосита назорат қилиш масъулияти худудий филиалларининг раҳбарлари ва маклерлари зиммасига юклатилади.

Биржа худудий филиалининг раҳбари синов жараёнини ўтказиш учун масъул ходимларни тайинлайди.

Филиаллардаги синов жараёни Комплаенс-назорат ва ахборот хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан ахборот технологиялари ёрдамида назорат қилинади.

3. Биржа аъзоларининг трейдерлари ўрнатилган тартибда шахсий логин ва пароль олгандан кейин, тест синовларидан ўтишлари шарт.

4. Тест синовлари ўз ичига биржа фаолияти тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек “ЎзРТХБ” АЖда биржа савдоларини ўтказиш Қоидалари ва биржа савдоларини ташкил этиш, биржа битимларини тузиш ҳамда бажаришни тартибга солувчи бошқа меъёрий хужжатларни олади.

5. Трейдерлар тест синовларидан ўтиш учун реал вақтда (онлайн режимда) Биржанинг махсус ахборот портали орқали ариза тақдим этадилар.

6. Аризани тақдим этиш учун трейдерлар Биржа аъзоларини аккредитация қилишда берилган ўзларининг шахсий логин ва паролларини, фуқаролик паспорти, идентификация ID-картаси серияси ва рақамларини, ҳамда алоқа учун телефон рақамини киритадилар.

7. Тақдим этилган маълумотлар ДТда кўриб чиқилиб, трейдерга ариза қабул қилинганлиги, ҳамда тест синовларини ўтказиш жойи, санаси ва вақти тўғрисида маълумот тақдим этилади.

8. Тест синовларини ўтказишида филиаллар масъул ходимлари:

тест синови жараёни бошланишидан аввал синовдан ўтаётган трейдерларни тест синовлари қоидалари ва мазкур жараённинг тартиби билан таништиришлари;

барча трейдерларга нисбатан тенг муносабатда бўлиш принципига риоя этишлари;

биржа аъзоларининг трейдерлари томонидан мазкур Тартибининг талаблари бузилишига йўл қўймаслик ва уларни аниқлаш учун тест синовлари жараёнини назорат қилишлари;

мазкур тартиб талабларининг бузилиши ҳақида зудлик билан Комплаенс-назорат ва ахборот хавфсизлиги Бош бошқармасига хабар беришлари шарт.

9. Трейдерлар тест синовларига шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхаси (фуқаролик паспорти, идентификация ID-картаси ёки ҳайдовчилик гувоҳномаси кабилар) тақдим этган ҳолда киритиладилар. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлмаган ёки тест синовига кечиккан талабгорлар тест синовларига келмаган ҳисобланади ва навбатдаги тест синовларига янгидан ариза тақдим этишлари лозим бўлади.

10. Тест синовлари ДТдан фойдаланган ҳолда компьютер терминалларида ўтказилади.

11. Тест синови учун 60 дақиқа вақт ажратилади. Тест синови даврида ҳар бир тестдан ўтувчига 60 та савол берилади. Ҳар бир савол бир балли тизимда баҳоланади. Максимал балл 60 баллни ташкил этади. Ажратилган вақт якунига етганида, тест синови автоматик равишда тўхтатилади ва натижаси экранда кўрсатилади.

12. Берилган саволлардан 40 та ёки ундан ортиқ саволга тўғри жавоб берган трейдер, тест синовларидан муваффақиятли ўтган деб ҳисобланади.

Тест натижасидан норози бўлган трейдер, натижа устидан ўрнатилган тартибда шикоят қилиши мумкин.

13. Тест синовлари натижалари тест синовларини топшириш рўйхати шаклида тузилиб, унда синов иштирокчиларининг Ф.И.Ш., олган баллари акс эттирилади ва филиал томонидан тасдиқланади.

14. Тест синовлари пайтида трейдерларга:

Қонун ҳужжатлари, бошқа қўлланмалар, луғатлар ва маҳсус адабиётлардан фойдаланиш;

тест синовларини топшираётган бошқа трейдерларга ҳалақит қилиши мумкин бўлган шовқин солиш ёки гаплашиш;

тест синови вақтида ҳар қандай ҳисоблаш техникаси, электрон қайд дафтарлари, электрон таржимонлар, мобил алоқа воситалари ёки бошқа ҳар қандай электрон қурилмалардан фойдаланиш;

тест синовларини яқунланмасдан туриб хонани барвақт тарк этиш тақиқланади.

15. Тест синовлари пайтида трейдерлар:

тест синовини вақтидан олдин яқунлаш;

биржа ходимларига берилган саволлар юзасидан тушунтириш сўраб, мурожаат қилиш;

тест синовларининг натижалари бўйича ахборот олиш ҳукуқига эгадирлар.

16. Белгиланган вақт яқунига етганда ДТ трейдернинг тест синовларидан ўтиш натижалари тўғрисида маълумотни автоматик равища чиқаради.

17. Мазкур Тартибининг талабларини бузган трейдерлар синовдан четлаштирилади ва синовдан ўтмаган деб ҳисобланади.

18. Биржа филиалининг масъул ходимларига:

синов вақтида трейдерларга ҳалақит қилиш ва уларни янгилишириш; мазкур Тартибда кўзда тутилмаган ҳужжатлар ва/ёки бошқа материалларни талаб қилиш;

тест саволлари бўйича трейдерларга ёрдам бериш ёки уларга аввалдан

түғри жавобларни бериш тақиқланади.

19. Тест синовидан ўта олмаган трейдерлар қайта тест синовидан ўтишга ҳақли.

20. Трейдерлар қайта синовга навбатдаги тест синови жадвалига мувофиқ киритилади.

21. Қайта тест синовларнинг миқдори чекланмаган.

22. Биржанинг Интизом комиссиясининг қарори билан биржа савдоларидан четлаштирилган трейдерлар мазкур Тартибда кўрсатилган шартларда синовдан ўтиши шарт. Бундай трейдерлар четлаштириш муддати якунига этишидан 10 кун аввал синовдан ўтиш хуқуқига эгадирлар.

### **III. Яқуний қоидалар**

23. Мазкур Тартиб талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.